



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

**MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETINING
BUYRUG' I**

Талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги йўриқнома ҳамда Профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 569-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Куйидагилар:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаларида таълимнинг кредит тизими шароитида Талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ;

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаларида таълимнинг кредит тизими шароитида Профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор Ф.Агзамов зиммасига юклатилсин.

Ректор

Т.Тешабаев

Toshkent shahar

2018 yil «26» 11

1683-sonli

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети ва унинг минтақавий филиаларида
таълимнинг кредит тизими шароитларида талабалар билимини назорат
қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 569-сон қарорига мувофиқ Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг минтақавий филиаларида (кейинги ўринларда Университет деб аталади) таълимнинг кредит тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Университет талабалари (кейинги ўринларда талабалар деб аталади) билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсади — юқори малакали, рақобатбардош, кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, олий таълим тизимида илғор технологияларни қўллаш, етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан муҳим йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш ҳамда талабаларда мустақил таълим олиш, шунингдек университетни жаҳоннинг нуфузли университетлари рейтингига киришини таъминлашдан иборат.

2. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

талабаларда давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: давлат таълим стандартлари ва малака талабларига

асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик, билимларни баҳолашда шаффофликни таъминлаш;

ўқув материалининг талабалар томонидан тизимли равишда электрон тизимда жойлаштирилишини ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вақтида маълум қилиш;

талабаларнинг ўқув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестр давомида электрон тизимда баҳолаб бориш, назорат жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

4. Кредитлар дастурда белгиланган таълим натижаларини акс эттирган ҳолдагина ўзлаштирилади. Агар таълим олувчи белгиланган натижаларига эриша олмаса, кредитлар ўзлаштирилмайди. Таълим натижаларини акс эттирган талабага ўзлаштирилган кредитлари миқдори дастур элементига берилган кредитлари миқдорига тенг.

5. Талаба мазкур Йўриқномага мувофиқ фаннинг ўқув дастури мазмунини ўзлаштирган (олган рейтинг баллидан қатъий назар) тақдирда, у тегишли фан бўйича кредитларнинг зарур сонини тўплаган деб ҳисобланади.

2-боб. Талабалар билимини назорат қилиш турлари

6. Фаннинг назорат жадваллари, назорат турлари ва шакллари, назоратлар сони ҳамда оралик назоратлар учун белгиланган максимал ва саралаш баллари кафедра мудирини тавсияси билан илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

7. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан электрон тизимда баҳолаб борилади. Баҳолаш мазкур Йўриқноманинг 23-бандида назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

8. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун университетда оралик ва якуний назорат турлари ўтказилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек оралик назоратларнинг

саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

3-боб. Оралиқ назоратни ўтказиш

9. Оралиқ назорат семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратининг сони (олти кредитгача бўлган фанга бир марта, олти кредитдан юқори фанга икки марта) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий кредитлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Оралиқ назорат турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудирини томонидан тасдиқланади.

4-боб. Якуний назорат ўтказиш

11. Якуний назорат фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули ҳисобланади. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш» ёки «Тест» ёки «Компьютер дастурлари ёрдамида амалий иш бажариш» шаклида ўтказилади. Якуний назорат компьютер дастурлари ёрдамида ўтказилиши мумкин.

12. Кафедра мудирини ўқув семестрининг тўртинчи ҳафтаси бошланишидан кечикмаган ҳолда якуний назорат ўтказилиши белгиланган шакллар асосида якуний назорат саволларини Таълим сифатини назорат қилиш бўлимига тақдим қилинишини таъминлаши шарт.

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими якуний назорат саволларини олган кундан бошлаб икки ҳафта давомида уларнинг экспертизасини ташкил қилади. Экспертизадан ўтказилган якуний назорат саволлари тегишли фанлар бўйича якуний назорат саволлари ягона базасига кўшилади. Якуний назорат саволлари ягона базаси ҳар йили тақдим қилинадиган якуний назорат саволлари ҳисобига кенгайиб боради. Университет якуний назорат саволлари ягона базасидан талабалар ва педагог ходимларнинг фойдаланишига имконият яратилишини таъминлайди.

13. Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими якуний назорат саволлари ягона базасида мавжуд саволлар асосида якуний назорат билетларини тузади ва зарур ҳолларда бунга тегишли кафедра мудирини жалб этади.

14. Якуний назорат ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган, кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари орасидан

тайинланадиган аудитория раҳбари ва кузатувчилар томонидан ўтказилади. Якуний назоратни ўтказишда, унинг объективлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Ўқув-услубий бошқарма ва Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими ходимлари иштирок этиши шарт.

Аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг тасдиқланган рўйхати университет таркибий тузилмалари эътиборига етказилади.

15. Якуний назорат билетлари аудиторияга Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда Ўқув-услубий бошқарманинг масъул ходими томонидан жавоб варақалари билан бирга етказилади.

Якуний назорат ўтказиш вақтида талабаларнинг якуний назорат билетларидаги саволларнинг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

Шифрланган ишни баҳолашнинг объективлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, шу жумладан сўзнинг устига ёки тагига чизиш ёхуд атрофини чизиб қўйиш, ишда текширувчи шахс номига мурожаатнинг мавжуд бўлиши, жавоблар варағининг турли қисмларига (шу жумладан, очик қолдирилган жойларига) график белгилар қўйиш, иш матнида талабанинг фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиш, ишни бошқа шахснинг дастхати билан ёзиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, иш учун ноль рейтинг балли қўйилиши мумкин.

16. Якуний назорат ишларининг текширилиши ушбу Йўриқноманинг 5-бобига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Якуний назоратнинг объективлигини таъминлаш

17. Якуний назорат ўтказишда баҳоларнинг ҳолислигини таъминлаш мақсадида талабалар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ёзма ишларига Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими томонидан идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади.

Ёзма ишларни текширишга масъул бўлган педагог ходимлар Ўқув ишлари бўйича проректор тавсиясига биноан ректор томонидан тайинланади.

Ёзма ишларни текшириш жараёнида педагог ходимлар фаолиятини техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда Ўқув-услубий бошқарма ходимлари иштирок этиши шарт.

Текшириш якунланган куни ёзма ишлар Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлимига қайтарилади. Текшириш натижалари талабалар рейтингини аниқлаш электрон тизимида киритилиши, шунингдек текширишни амалга оширган профессор-ўқитувчилар томонидан тасдиқланган, топшириш рейтинг қайдномаси шаклида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Якуний назорат натижалари икки кун муддат ичида талабалар эътиборига етказилади.

18. Якуний назоратни топшириш рейтинг кайдномаси талабанинг шахсини аниқлаб бўлмайдиган тарзда (фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган ҳолда) тузилади, фақат талабага тегишли бўлган идентификацион код кўрсатилиб расмийлаштирилади.

19. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция комиссиясига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Талаба томонидан берилган ариза апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқишлии лозим.

Апелляция комиссияси таркиби Ўқув ишлари бўйича проректор тавсиясига кўра ректор томонидан тасдиқланади.

20. Текширилган ёзма ишлар Таълим сифатини назорат қилиш бўлимида олти ой мобайнида сақланади. Муддати ўтган ишлар белгиланган тартибда йўқ қилинади.

6-боб. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

21. Талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси талабаларнинг билим, малака ва кўникмалари 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

22. Талабанинг семестр мобайнидаги ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади ҳамда якунда баллар таълимнинг кредит тизими тўғрисидаги низомнинг 8-иловаси асосида 5 баҳолик тизимга конвертация қилинади.

Семестр давомида топшириқлар учун белгиланган муддатлар узайтирилмайди ҳамда топшириқларни қайта топшириш учун имконият берилмайди.

Баллар назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

оралиқ назорат(лар)га — 50 фоизгача (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, кафедра томонидан маъруза, амалий, семинар ҳамда лаборатория машғулотларига ажратилади);

якуний назорат — 50 фоизгача (университет томонидан ажратилади).

23. Талабалар билимини ҳисобга олиш электрон тизимида алоҳида баҳоланадиган курс иши (лойиҳа, жадвал-ҳисоблаш иши), амалиёт (стажировка), якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

24. Фанлар бўйича оралиқ ва якуний назоратни баҳолаш мезонлари намунавий баҳолаш мезонлари асосида ишлаб чиқилади ва ишчи фан

дастурида ўз аксини топади ҳамда Университет Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилиниб, Ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

7-боб. Қайта ўқишни ташкил этиш

25. Ўқув машғулотида узрли сабабларга кўра (саломатлиги туфайли, йўл-транспорт ҳодисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши ва ҳ.к.) иштирок этмаган ҳамда шу сабабли топшириқларни белгиланган муддатда топширмаган талабага Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими томонидан (Ўқув ишлари бўйича проректор билан келишилган ҳолда) бир ойлик муддатда қайта ўқиш учун рухсат берилади.

Якуний назоратда иштирок этмаган ёки ўтмаган талабаларга қайта ўқиш жараёни тугаганидан сўнг мазкур Йўриқноманинг 4-бобига мувофиқ якуний назоратни топширишга рухсат берилади.

26. Талаба қуйидаги ҳолатларда академик қарздор ҳисобланади:

агар талабанинг семестрда маъруза, амалий, семинар ҳамда лаборатория машғулоти бўйича тўплаган баллари назоратларни мажбурий топширилишини ҳисобга олган ҳолда ушбу назорат турлари умумий баллининг 60 фоизидан кам бўлса;

агар талабанинг якуний назорат бўйича тўплаган баллари ушбу назорат тури умумий баллининг 60 фоизидан кам бўлса;

бир фандан 5 аудитория машғулоти (10 соат) сабабсиз қолдирган бўлса, талаба автоматик равишда якуний назоратга киритилмайди, кредит ўзлаштирилмайди.

Талаба академик қарздорлиги бўлган фанидан қайта таълим олиш учун таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга. Қайта ўқиш давомида талаба мазкур йўриқнома асосида баҳоланади.

27. Таътил давомида академик қарздорликни бартараф этмаган талабалар академик қарздорлиги мавжуд фанлари келгуси ўқув семестрда ўқитилиши белгиланган фаннинг узвий давоми бўлса, тегишли фанлар бўйича академик қарздорликни бартараф қилмагунга қадар белгиланган фаннинг узвий давомидаги фанга қатнаша олмайди.

28. Талабаларда академик қарздорлик мавжуд бўлганда, уларга академик қарздорликни бартараф этмагунга қадар стипендия тайинланмайди.

29. Талабани курсдан-курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. GPA қиймати 2,6 дан паст бўлган талабалар қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Бу ҳолатда бошқа фанлар бўйича тўпланган кредитлар сақланиб қолинади ва бунда талаба ушбу фанлар бўйича ўқув машғулотида иштирок этмаслиги мумкин.

8-боб. Якуний қоида

29. Мазкур Йўриқнома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган.

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети ва унинг филиаларида таълимнинг кредит тизими шароитида
Профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юклараси ҳамда ўқув-услубий,
илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда Университет деб аталади) профессор-ўқитувчилари таркибининг ўқув юкларасини таълимнинг кредит тизими шароитларида белгилаш қоидаларини белгилайди.

2-боб. Профессор-ўқитувчилар меҳнатини нормалаштириш

2. Университет ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув семестр учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирлари томонидан тузиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор (директорнинг ўқув ва тарбия ишлари бўйича ўринбосари) билан келишилган ҳолда факультет декани томонидан тасдиқланадиган ўқув семестр бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув семестр бўйича шахсий иш режасига ўқув юклараси, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва “устоз-шогирд” ишлар киритилиши мумкин. Ўқув юклараси профессор-ўқитувчиларнинг ўқув семестр бўйича шахсий иш режаларида тўла ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув семестр якунида фақат мазкур ўқув семестр давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

4. Мазкур Қоида асосий штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Асосий штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар барча иш турларини (уларнинг ставкаларига мувофиқ ҳолда), шунингдек, соатбай сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ўқув ишлари турларини ушбу Қоидага мувофиқ бажаради.

5. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув семестр бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудирини, факультет декани, ўқув-методик бошқарма ва таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор (ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари) томонидан назорат қилиб борилади.

6. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув семестр бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув ишларининг кредитлардаги ҳажми 1-иловада келтирилган “Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг ўқув ишлари ҳажмини ҳисоблаш қоидалари”да белгиланган иш турларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

7. Ўқув ишлари бўйича ҳисобланган кредитлар ҳажми университет ва унинг филиалларининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди. Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик иш ҳақи эса, харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътилар бериш тартиби ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ олиб бораётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда хорижий олий таълим муассасалари билан педагог - кадрлар, илмий - изланувчи олимларнинг алмашинув дастурларини кенгайтириш мақсадида профессор-ўқитувчининг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор - ўқитувчининг тегишли ўқув ишлари юкламаси қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

9. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳамда катта ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда, профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда ва б.) университет Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга ҳамда илмий унвон ва илмий даражага эга бўлмаган профессор-ўқитувчиларга бир ўқув йилида 8 кредитгача бўлган ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

10. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) кредитлари ҳажми бир ўқув семестри учун 3 кредитдан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

3-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва “устоз-шогирд” ишларини ташкил этиш

11. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва “устоз-шогирд” ишлар ҳажми факультет декани (кафеда мудирининг таклифлари асосида белгиланади. Белгиланган ишларнинг бажарилиши бўйича профессор-ўқитувчининг рейтинги аниқланади. Ҳар бир профессор-ўқитувчи тўплаган балли бўйича “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш ва уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом” асосида рағбатлантирилади ёки жаримага тортилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг рағбатлантириш ёки жаримага тортиш бўйича хулосалар жамоатчилик асосида ташкил этилган кенгаш томонидан берилади.

12. Кафедра мудирини ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари ҳамда электрон манбалар асосида ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни шакллантириш, талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун шароит яратиш, илм-фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш ҳамда ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва “устоз-шогирд” ишлар бўйича топшириқларни белгилайди.

4-боб. Яқуний қоида

13. Мазкур Низом Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашида тасдиқланади.

14. Университетда профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳажмини нормалаштириш ҳамда ўқув жараёнининг самарадорлиги ошириш мақсадида ушбу Низомга Университет Кенгашининг қарори асосида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг ўқув
ишлари ҳажмини ҳисоблаш қоидалари**

(1 кредит 30 соат ҳажмида белгиланади)

I. Ўқув ишлари			
Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1.	Ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш	1 академик соат: маъруза, амалий машғулотларнинг 1 контакт соати (40 дақиқа)га; лаборатория, семинар, студия машғулотларининг 2 контакт соати (80 дақиқа)га тенг.	Амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 32 нафаргача талаба бўлган академ гуруҳларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академ гуруҳларда (поток); лаборатория ва чет (рус) тилини ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12-16 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги электрон тизимда қайд этилади.
2.	Яқуний давлат аттестациясини ўтказиш	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш битта фанга (битта паток учун) — 0,2 кредит; Текширувчиларга: ёзма иш шаклида бир поток учун — 0,2 кредит; оғзаки шаклда битта талаба учун — 0,007 кредит; тест шаклида битта паток учун — 0,13 кредит. Яқуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами кредитга қўшимча равишда 20% қўшилади. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юклагаси ҳажми 0,25 кредит ҳажмидан ошмаслиги лозим.	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши яқуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади. Бир поток да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига (кузатувчига) 0,1 кредитдан берилди. Оғзаки шаклда ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовлари жами кредити унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилди. Ёзма иш шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовларининг жами кредити ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган яқуний давлат аттестацияси синовлари жами кредити унда иштирок этган

			<p>комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.</p> <p>Якуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйрук ва қайдномаларда акс эттирилади.</p> <p>Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссияси аъзолари (кузатувчи)га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг семестр шахсий иш режасига киритилмайди.</p>
3.	Оралик баҳолашларни ўтказиш.	Фан бўйича оралик баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун — 0,008 кредит.	<p>Оралик баҳолашлар ўтказилиши электрон тизимида акс эттирилади.</p> <p>Назоратлар жадвали (графи) семестр бошланган вақтда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан ва электрон тизимида эълон қилинади.</p>
4.	Якуний баҳолашларни ўтказиш	<p>Якуний баҳолашда аудитория раҳбари ва кузатувчиси сифатида иштирок этиш ҳар бир поток учун — 0,1 кредит;</p> <p>ҳар бир ёзма ишни текшириш учун — 0,02 кредит.</p>	<p>Якуний баҳолашлар натижалари тегишли қайдномаларда ва электрон тизимида акс эттирилади.</p> <p>Якуний баҳолаш жадвали (графи) семестр якунида ўқув-методик бошқарма тақдимномаси асосида ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.</p> <p>Якуний баҳолашда аудитория раҳбари ва кузатувчиси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, аудитория раҳбари ва кузатувчи профессор-ўқитувчига якуний баҳолаш жараёни тугагандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг семестр шахсий иш режасига киритилмайди.</p>
5.	Бакалаврият таълим йўналиши талабалари амалиётга раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш	<p>Якка тартибда малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига — 0,015 кредит. ўқув амалиётга раҳбарлик қилиш бир академ гуруҳ учун бир иш кунига — 0.2 кредит;</p>	<p>Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг кредитлари ҳажми ўқув ишлари юкмасининг 20% идан ошмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича университет буйруғи, талабанинг амалиёт</p>

		<p>ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш, агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот университет жойлашган ҳудуд доирасида бўлса, бир иш кунига бир академ гуруҳ учун — 0,1 кредит; агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот университет жойлашган ҳудуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига — 0,2 кредит.</p> <p>Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун — 0,05 кредит.</p>	<p>кундалиги ва амалиёт учун баҳо кўйилган тегишли кайдномалар асосида аниқланади.</p>
6.	<p>Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши)га раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш</p>	<p>бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун — 1 кредит</p>	<p>Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши)га раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги университет буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг химояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.</p>
7.	<p>Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) химояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш</p>	<p>бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун — 0,015 кредит; бир магистрлик диссертацияси учун — 0,025 кредит. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкласи ҳажми 0,25 кредит ҳажмидан ошмаслиги лозим.</p>	<p>Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки университет буйруғи ҳамда химоя натижалари тўғрисидаги кайдномалар ва электрон тизимида асосида аниқланади.</p> <p>Жами кредит якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилди.</p> <p>Бир ЯДАК йиғилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ химоясига рухсат берилди.</p> <p>Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Соатбай иш тури профессор-</p>

			ўқитувчининг семестр шахсий иш режасига киритилмайди.
11.	Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш	бир ўқув йилига битта талаба учун — 2 кредит.	Профессор ёки фан доктори (Doctor of Science) 5 нафаргача, доцент, фан номзоди (PhD) ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик университетнинг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли кайдномалар электрон тизимида асосида аниқланади.
12.	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига илмий раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш	бир ўқув йилига битта талаба учун — 2 кредит	Профессор ёки фан доктори (Doctor of Science) 5 нафаргача, доцент, фан номзоди (PhD) ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкаси (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги университетнинг буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг химояга тақдим этилгани асосида аниқланади.
13.	Магистратура мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторантура (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш.	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир паток (абитуриентлар гуруҳ) учун — 0,1 кредит; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун — 0,01 кредит; тест шаклида ўтказилганда, бир паток (абитуриентлар гуруҳ) учун — 0,03 кредит; хар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун — 0,01 кредит; Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкласи ҳажми 0,25	Бир паток (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган хар бир профессор-ўқитувчига 0,1 кредитдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг хар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида

		кредит хажмидан ошмаслиги лозим.	иштирок этганлик университетнинг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалари асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг семестр шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Университетдаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш	битта докторант учун бир ўқув йилида — 3 кредит; битта мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида — 1,5 кредит.	Профессор ёки фан доктори (Doctor of Science), фан номзоди(PhD) ва доцент 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик университет буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг яқка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	Бир академик соат очик маъруза ва мастер-класс учун — 0,15 кредит; Очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан — 1 кредит. Мастур-класс: Университет микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан —1 кредит. республика микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан —1,5 кредит; халқаро микёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан — 2 кредит.	Ўтказилган очик маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганли учун — ҳафтасига 1 кредитдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқиганлигини тасдиқловчи хужжат асосида аниқланади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига тақсимланади.